

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Касб таълими (Информатика ва АТ) кафедраси

ЧИЗИҚЛИ АЖРАТУВЧИ ФУНКЦИЯ ЁРДАМИДА ТАНИБ
ОЛУВЧИ АЛГОРИТМ ДАСТУРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

Талаба: _____Тошмирзаев М..

Илмий раҳбар _____ доц. Эргашев Б.

2015 й. «____» _____

Битирув малакавий иш Касб таълими (Информатика ва АТ) кафедрасида бажарилди, кафедранинг 2015 йил «__» _____даги мажлисида муҳокама қилинди ва ҳимояга тавсия этилди (____ -сон баённома).

Наманган – 2015

М У Н Д А Р И Ж А:

ЧИЗИҚЛИ АЖРАТУВЧИ ФУНКЦИЯ ЁРДАМИДА ТАНИБ ОЛУВЧИ АЛГОРИТМ ДАСТУРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ.

КИРИШ	8
И БОБ. ТАҲЛИЛИЙ ҚИСМ	12
1.1 Ахборотларни интеллектуал таҳлил қилувчи тизимлар	12
1.2 Ахборотларга дастлабки ишлов беришни усуллари ва таниб олиш масалалари	19
ИИ ЧИЗИҚЛИ АЖРАТУВЧИ ФУНКЦИЯ ҚАНДАЙ БОБ. ВАЗИЯТЛАРДА ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ҚОИДАНИ ШАКЛЛАНТИРИШ	36
2.1 Битирув малакавий ишнинг мақсади	36
2.2 Эталони шакллантириш усули	37
2.3 Чизиқли ажратувчи функция алгоритмининг математик ифодаланиши	38
2.4 Чизиқли ажратувчи функция алгоритмининг ҳисоблаш механизми ва дастурий ишланмаси	40
ИИИ ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ	52
БОБ.	
3.1 Иш жойини ташкил қилиш	52
3.2 Фавқулодда вазият ва улардан муҳофазаланиш	56
ХУЛОСА	62
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР	63
ИЛОВА	66

К И Р И Ш

Айни вақтда тимсолларни таниб олиш ва тасвири маълумотларга рақамли ишлов бериш долзарб масалаларидан биридир. Фан – техникани ривож замонавий компьютерларни тараққий этишига сабаб бўлди. Ўз навбатида компьютернинг техник – дастурий воситалари халқхўжалигининг турли жабхаларидаги инсон фаолиятини айрим хизмат доираларида муҳим аҳамиятга эга.

Шу ўринда, Юрт бошимиз Ислом Каримовнинг “Замонавий ахборт-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори Тошкент шаҳри 2012 йил 21 март, ПҚ-1730-сон [1,2]. Мазкур жумла мазмунида ўзига ҳос барқарор фикр ётганлиги яқол кўриниб турибди.

Бугун жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози ва у туфайли вужудга келаётган масалалар дунёнинг барча давлатларида энг долзарб муаммолар сифатида қаралаётганлигига, инқироз бошлангандан кейин жаҳонда савдо ҳажми, кўплаб мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларини бир неча йил орқага кетаётгани ва экспертларнинг бу борадаги фикрича, жаҳон иқтисодиётининг инқирозгача бўлган кўрсаткичларига қайтиши учун кўп йиллар керак бўлишини таъкидлаб ўтилмоқда.

Ўзбекистоннинг бугунги жаҳон молиявий инқирози давридан муваффақиятли ўтиб боришининг асосида мустақилликни дастлабки йилларидаёқ танланган тўғри иқтисодий сиёсат турганлиги маълум бўлмоқда. Бу эса мамлакатда иқтисодий барқарорлик Республикадаги барча ташкилот ва таълим муассасаларда фаолиятни узликсиз давом

этишини таъминламоқда. Ўз навбатида бугун ва келажакга мўлжалланган Давлат режалари инқирознинг таъсирисиз ривожланиб бормоқда. Бундан аёнки, яратилган шароит ва тўғри сиёсий режа Республикамизда фан – техника ва бошқа соҳаларда тараққиёт узлуксиз давом этишини таъминламоқда.

Маълумки, тасвири маълумотларни компьютерга киритувчи воситалар яхши ривожланмоқда. Буларга мисол қилиб: сканер, рақамли фото камералар, рақамли видео камералар, веб камералар ва ҳ.к.лар.

Бу воситалар орқали компьютерга киритилган тасвири маълумотни сифатини яхшилаш, масштабини ўзгартириш, контур ажратиш, керакли маълумотларни ажратиб олиш (сегментация), скелетизация масалалари каби амалларни бажариш учун кўплаб илмий изланишлар ҳозирги кунда ҳам олиб борилмоқда. Ушбу амалларни математик ва дастурий таъминотлар юқорида келтирилган техник воситаларга ҳам синдириш каби амалий тадбиқига ҳам хизмат қилади.

Тимсолларни таниб олиш ҳамда тасвири маълумотларга рақамли ишлов беришнинг амалий тадбиқи кенг қамровли бўлиб, фойдали иш коэффициенти ҳам юқори бўлиши билан бирга кучли математик асосга ҳам эга. Бироқ, математик таъминот тасвири маълумотларни амалий бажарилишини алгоритми ва дастурий воситани қўллаб – қувватлайди. Бунинг учун амалиётни аниқ бир соҳаси учун керакли бўлган математик ва алгоритмларни танлаш ҳамда мос дастурлаш тили орқали дастурий таъминотини ишлаб чиқиш соҳа мутахассисига зарур билимлар талаб қилинади.

Ушбу малакавий битирув ишини мақсад ва вазифаларини шакллантириш мавзудан келиб чиқиб тимсоллар ҳақидаги ахборотларни

талаб этилган таянч объектлар асосида синфлар орасидаги масофани аниқлаш ва мавжуд оралиқ марказидан чизиқли ажратувчи функцияни ўтказиш ҳам шу функцияга нисбатан ҳал қилувчи қоидани қуришдан иборат. Ўз навбатида тимсолларга аниқлаш жараёнини амалга оширувчи алгоритм ва дастурий таъминотга эътиборни қаратилади. Умуман тасвирли маълумотларга рақамли ишлов беришда асосий, яъни рақамларга яширинган сирларини аниқлаш муҳим омиллардан биридир. Шу билан бирга синфлар орасидан ўтувчи функцияни узлуксизлигини таъминлаб берувчи математик усуллари, алгоритм ва дастурий воситалари битирув малакавий ишни биринчи, иккинчи бобларида натижавий мисоллар билан келтирилган.

Битирув малакавий ишнинг мақсади. Нопараметрик бўлган классификация усулни чизиқли ажратувчи функция асосида ўқитишни ва кесмалар ёрдамида ҳал қилувчи қоидани қуришни ўрганиш ҳамда дастурини ишлаб чиқиш.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйида келтирилган вазифаларни ҳал этилиши зарур:

1. Ўқув танланмада келтирилган синфларнинг чегараларидан ётган объектларга нисбатан, синфларни ўртасида ётган нуқтани аниқлаш;
2. Синфлар орасида аниқланган нуқталардан перпендикуляр ўтказиш орали чизиқли функцияни шакллантириш;
3. Ҳосил бўлган чизиқли функцияларга нисбатан ҳал қилувчи қоидани қуриш.
4. Юқоридаги вазифаларда келтирилган алгоритм учун дастурини ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий иш кириш, учта қисмдан, фойдаланилган адабиётлар, иловадан ташкил топган бўлиб, киришда долзарблиги ва

ишни тузилиши хақида умумий маълумот берилган. Биринчи қисмда тасвирли маълумотларни қайта ишлашга оид йўналишлар, аналитик геометрик ёндашувлар таҳлили ҳамда ишнинг мақсади ва вазифалари баёни келтирилган. Иккинчи қисмда тимсолларни таниб олиш, яъни объектни ифодаловчи белгилар фазосини шакллантириш усуллари, ҳар бир синфни таянч объектларига нисбатан икки синф орасидаги масофани аниқлаш усулларининг конструктив алгоритм ва дастурий таъминоти ишлаб чиқилган. Шу билан бирга амалий натижалар ҳам келтирилган. Учинчи бобда ҳаёт фаолият хавфсизли тақдим этилган. Шунингдек иш тайёрлаш мобайнида фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда дастурий таъминот кодларидан ташкил топган илова келтирилган.

I. ТАҲЛИЛИЙ ҚИСМ

Ушбу бобда катта масштабдаги объектлар хужжат алмашинув тизимини интеллектуал тизимларида ахборот ва тимсолларни таниб олиш моделларини қуришнинг ҳозирги ҳолати ҳамда муаммолари таҳлили келтирилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, битирув малакавий ишининг долзарблиги баён этилган.

1.1. Ахборотларни интеллектуал таҳлил қилувчи тизимлар.

Интеллектуал тизимларда ривожлантириладиган ва ҳисоблаш техникаси ҳамда коммуникация тизимлари томонидан қўллаб-қувватладиган ахборот технологиялари жамиятда ижобий ўзгаришларни келтириб чиқармоқда. Ушбу ўзгаришлар оқилона тақсимлаш тизими, янги маҳсулотлар ҳамда хизмат турларини жорий қилиш каби воситалар билан халқ хўжалигининг барча соҳаларига кириб бормоқда. Шу билан бирга турмуш тарзини сифат жиҳатидан яхшиланишига ҳам катта ҳисса қўшмоқда. Масалан, ахборот технологиялари тармоқларида нафақат миқдор жиҳатидан, балки сифат ва қайта ишланиши талаб қилинадиган маълумотларнинг хилма-хиллиги жиҳатидан ҳам сезиларли даражадаги ўсишни кузатиш мумкин. Шунинг учун ахборот технологиялари билан боғлиқ бўлган соҳаларда ҳар бир кишига тармоқнинг ҳар хил ахборот ресурсларидан қулай ва самарали тарзда фойдаланиш имкониятини берадиган янги технологик асосни ишлаб чиқишга эҳтиёж туғилмоқда.

Шунинг учун ахборотни қайта ишлаш ва бошқаришнинг турли хил амалий соҳаларида ҳисоблаш тизимларининг ахборот муҳитлари

интеллектуал фаолиятни ўзида акс эттиришлари ва одамлар билан табиий шароитларда ҳамкорлик қила олиш қобилиятига эга бўлишлари зарур.

Интеллектуал тизим деганда зарур сабаблар бўлган ҳолда мавжуд маълумотлар ва билимлар асосида мақсадни аниқловчи, фаолият тўғрисидаги ечимни ишлаб чиқувчи ва мақсадга етишнинг оқилона усуллари топа олувчи автоном равишда ёки одам (одамлар жамоаси) билан ўзаро алоқада ишловчи техник воситалар ҳамда дастурий таъминотлар жамланмасининг ахборот жараёнлари билан бирлашмаси тушунилади [5].

Шунинг учун техник жиҳатдан интеллектуал тизимларнинг ҳисоблаш ишларини олиб боровчи қисмлари реал жараён тўғрисидаги маълумотларни худди инсонлардек мослашувчан тарзда қайта ишлай олишлари зарур, чунки жуда кўп ҳаётий масалалар яхши аниқланмаган ва уларни алгоритм шаклда ифодалаш жуда мураккаб масаладир.

Интеллектуал тизимларни ишлаб чиқишда энг аввало инсонлар томонидан ахборотни қайта ишлашнинг интуитив (ассоциатив) жиҳатини ўрганиш ва уни янги ахборот технологияси сифатида амалга ошириш муҳимдир. Шунинг учун интеллектуал тизимлар, ахборотни қайта ишлашнинг мантиқий ва интуитив жиҳатларини мувофиқлаштирган ҳолда, ахборот технологияларининг янги истиқболли кўриниши сифатида ўзида қуйидаги янги функцияларни ҳам жамлайди:

- сабаблар, атроф-муҳит ва тизимнинг ўз ҳолати тўғрисидаги маълумотлар асосида мақсадни белгилаш;

- турли кўринишлардаги, мураккаб, чатишган алоқаларга эга бўлган, ноаниқлик мавжуд бўлган маълумотларни жамлаш ва мос ечимларни белгиланган вақтлар ичида олиш;

- керакли маълумотлар ва билимларни фаол тарзда эгаллаш ҳамда билимларни индуктив тарзда ўзлаштириш;

—мақсадга етиш учун бошқаришни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

—тизимнинг ўзини истеъмолчи ва ўзгарувчан ташқи муҳитга мослаштиришдан иборат.

Инсон мияси маълумотларни тақсимланган кўринишда тасвирлаш, юқори даражадаги параллел қайта ишлаш, ўрганишга ва ўз-ўзини ташкил этишга ҳамда маълумотларни жамлашга бўлган қобилиятларни ўзида бирлаштиргани учун одам маълумотларни тез ва мослашувчан тарзда қайта ишлаш имкониятига эга. Ушбу хусусият инсонга хос сифатларни табиий интеллектуал тизимларда техник воситалар орқали амалга оширишда қуйидаги икки жиҳатни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- ноаниқ, шубҳали маълумотларнинг мавжудлиги, бирлашмаси ҳамда мослашиш ва ўрганиш қобилиятларининг мавжудлиги билан характерланадиган функционал жиҳати;
- кўп ўлчамли, жуда кўп сондаги алоқаларга эга бўлган маълумотларни юқори даражада параллел ва тақсимланган ҳолда қайта ишлаш билан характерланадиган ҳисоблашлардан иборат.

Умуман олганда маълумотларни қайта ишлаш – бу одамлар эволюция жараёнида ўзгарувчан шароитларга ва ташқи муҳит таъсирларига мослашиб бориш натижасида ўзлаштирган функция, қобилиятдир. Бу функция гарчи кўп қиррали бўлсада, юқорида айтиб ўтилганидек, ундаги маълумотларни мантиқий ва интуитив қайта ишлаш жиҳатларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Шунга кўра, маълумотларни қайта ишлашнинг бу икки жиҳатлари, қайтарзда ривожлантирилиши ва интеллектуал тизимларнинг ҳисоблаш қисмига маълумотларни қайта ишлаш ва одам томонидан бошқаришни ишлаб чиқишга нисбатан қандай усуллар ёрдамида бирлаштирилиши масалаларини кўриб чиқиш ижобий натижаларга олиб келади.

Шундай қилиб, одам мияси ва у ёки бу ҳисоблаш муҳотида амалга оширилган алгоритмлар ёрдамида маълумотларни қайта ишлаш натижалари ўртасида фарқ ҳамда ечимини топмаган масалалар ҳам мавжуд.

Бу фарқ маълумотларни тезкор ва мослашувчан тарзда қайта ишлаш қобилияти ҳозирча барибир одамга хос эканлигини ҳисобга олган ҳолда камайтирилиши зарур. Бундан ташқари, интеллектуал тизимда танлаб олинган мақсадга етиш учун имкон берадиган бошқарувни ҳосил қилиш даркор!

Яна шуни айтиш мумкинки, маълумотларни қайта ишлаш технологияси мантикий, интуитив ёндашувларни автоматлаштириш ва бирлаштириш орқали одамнинг маълумотларни қайта ишлаш функциясини тўлдириши ёки ўрнини эгаллаши зарур. Бироқ, тарихдан маълумки, автоматлаштириш механизмлари назарий ва технологик жиҳатдан анъанавий рақамли компьютерлардаги мантикий қайта ишлашга қўллаш мақсадида ривожлантирилди ва шунинг учун ҳам кетма-кет қайта ишлаш бугунги кунда асосий усул сифатида қабул қилинган. Бироқ, маълумотларни интуитив қайта ишлаш алгоритмлари маълумотларни параллел ва тақсимланган ҳолда қайта ишлашни амалга оширишга имкон берувчи нейрон ҳисоблаш тармоқлари асосида амалга оширилувчи тимсолларни таниб олиш ва ўқитиш каби соҳаларда ҳам ўрганилган. Шунга қарамадан, маълумотларни интуитив қайта ишлаш ҳамон ахборот технологияларининг кучсиз ривожланган соҳаси кўринишида қолмоқда.

Бу ердан интеллектуал тизимларни ишлаб чиқиш ҳамда яратиш даврида янги муаммолари келиб чиқиши табиийдир. Бу тизимлар турли кўринишлардаги ҳаётий маълумотларини қайта ишлаш асосида билимларни тўплаш орқали одам фаолиятининг турли жиҳатларини қўллаб-қувватлаши ҳамда ундан қарор қабул қилиш ва бутун тизим

фаолиятидаги олдиндан кутилган натижаларга эришиш учун бошқарувни ишлаб чиқаришда фойдаланиши зурур. Бундай кўринишдаги маълумотлар фавқулод даражада жуда кенг, табиатан унга ноаниқлик ва нотўлиқлик хос хусусиятлардир. Шунинг учун ҳам интеллектуал тизимлар ўзида фаолият юритишнинг барқарорлиги, ўтиб бораётган жараёнларнинг реал вақтлар давомидаги сифати, очиқлик каби тушунчаларни намоён қилувчи турли хил даражада мослашувчан бўлган янги функцияларни амалга оширилишини талаб қилади. Функцияларнинг янгилиги интеллектуал тизимлар учун яроқли бўлган, белгилар, тимсолларни бирлаштириш, ўқитиш ва ўз-ўзини ташкил этиш каби мослашувчан функцияларни ўз ичига олувчи янги назарий ёндашувлар ёки алгоритмлар асосида қурилиши даркор!

Маълумотларни мослашувчан тарзда қайта ишлаш ва бошқарувни ишлаб чиқиш анъанавий ёндашувлар доирасидан ташқарида бўлганлиги сабабли янги функцияларни тадқиқ қилиш соҳаларидан қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

— расмлар, нутқ товушлари ва табиий тилларга хос бўлган белгили маълумотлар каби турли кўринишлардаги маълумотларни таниб олиш ва тушиниш;

— қарор қабул қилиш, маълумотларни тўғридан-тўғри қайта ишлашга йўл қўйиб берувчи ҳамда ўқитиш ва ўз-ўзини ташкил этиш қобилиятига эга бўлган билимлар базаси ёрдамида масалаларни ҳал қилиш;

— интерфейс ва одамнинг реал жараён билан ўзаро алоқаларини моделлаштириш;

— реал муҳитда фаолият олиб борувчи интеллектуал тизимлардаги бошқарув ва автоматик бошқарувдан иборат.

Шу жиҳатдан интеллектуал тизимларнинг ривожланишидаги икки йўналишни кўрсатиб ўтиш мумкин. Булар – реал атроф-муҳитга

мослаштирилган автоматик интеллектуал тизимлар ҳамда автоматик тизимлар ва одамнинг автоматик тизимлар билан муносабат функцияларини бирлаштирувчи диалог асосидаги тизимлардан ташкил топган.

Биринчи йўналиш интеллектуал тизимларни реал жараён билан бирлаштирилишини билдиради. Бунда тизимлар реал жараён билан фаол ва мослашувчан тарзда алоқа қилиш орқали муҳитни автоном ҳолда тушуниш ҳамда бошқариш қобилиятига эга бўлишлари ва бу одам фаолиятининг бир қисмини бажара олиш имкониятига эга бўлишини белгилайди. Бундай кўринишдаги тизимлар реал жараёнга хос бўлган маълумотларнинг нотўлиқлиги, ноаниқлиги ва ўзгарувчанлиги каби муаммоларни ҳал қилиш имкониятига эга бўлишини кўрсатади. Бундай тизимларнинг янги функцияларига атрофдаги муҳитнинг таъсирларини тушуниш, реал жараёни моделлаштириш, ҳаракатлар кетма-кетлигини режалаштириш, кутилган натижага эришиш мақсадида оптимал бошқариш, мослашиш ва ўз-ўзини ташкил этиш элементларини амалга оширувчи масалаларни ҳал қилувчи усул ва моделларни ишлаб чиқиш муҳимдир.

Иккинчи йўналиш тизим билан одамнинг “бирлаштирилишини” билдиради. Бу одамнинг масалаларни ҳал қилиш ҳамда одам ва тизим ўртасидаги канални кенгайтириш ҳисобига маълумотлар олиш каби соҳалардаги ақлий фаолиятларини қўллаб-қувватловчи ҳамда кучайтирувчи мослашувчан тизимдир. Одамларга масалаларни ҳал қилиш ва маълумотлар олишда ёрдам бериш учун турли хил кўринишлардаги маълумотларни мослашувчан тарзда қабул қилиш ҳамда бирлаштириш талаб этилади. Тизим таркибидаги янги функциялар қуйидагилар: табиий тилларда айтилган савол-жавоблар, одамлардан тушадиган турли хил кўринишлардаги маълумотлар асосида мақсадни тушуниш, маълумотлар базаларида сақланаётган жуда катта маълумотлар орасидан зарур

маълумотларни топиш ва ифодалаш учун интеллектуал қўллаб-қувватлашни амалга ошириш, янги турдаги ахборот маълумотларини яратиш ва реал жараёндаги ўзгаришларни башорат қилиш учун интеллектуал моделлаштириш, одам ва тизим ўртасидаги ўзаро алоқаларни таъминлаш учун бирлаштириш усуллари, реал жараёнинг сонли модели ва х.к.

Интеллектуал тизимларнинг бу янги функцияларини интеллектуал тизимларни турғунлик, очиқлик ва реал вақтларда ишлаш каби муҳим сифатлар билан таъминланиши нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда баҳолаш керак.

Бундан ташқари ХХИ аср интеллектуал тизимлари битта эмас, балки юқори даражадаги параллел ҳисоблаш тармоқлари, оптик ҳисоблаш тизимлари, нейрон тармоқларига асосланган тизимлар ва мантикий ҳисоблаш тизимлари технологиялари каби хилма-хил ахборот технологиялари асосида қурилади. Бу технологиялар реал жараёндаги масалаларни ечимини топиш учун интеллектуал тизимларга жамланиши зарур.

Интеллектуал тизимларнинг ҳозирги ҳолати йирик масштабларга эга бўлган инсон фаолиятининг деярли барча соҳаларига маълумотларни қайта ишлашни интеллектуаллаштириш ҳамда мақсадга эришиш учун бошқарувни ишлаб чиқиш ғоялари кириб бориши билан характерланади. Атроф муҳит тўғрисидаги маълумотлар, билимлар ва сабаблар асосида мақсадни аниқлаш масаласини ҳал қилиш муаммолигича қолмоқда. Маълумотларни қайта ишлаш алгоритмларини комплекслаштириш ва атроф муҳит ҳолати, ўзининг ҳолати ва мақсадларига боғлиқ равишда ўз-ўзини ташкил этиш хусусиятига эга бўлган эксперт тизимларнинг билимлар базасидаги бошқарув долзарб масала ҳисобланади. Шу билан боғлиқ равишда хилма-хил табиатларга эга бўлган жуда кўп сондаги объектларнинг

кооператив тарздаги фаолиятларининг намоён бўлиши кўриб чиқилади. Кўпинча дунёнинг ягона харитасини олишгача бўлган бундай фаолиятларни ифодалаш учун синергетика терминидан фойдаланилади. Биз “ёпиқ мувозанатлашган жамият давридан” “очиқ мувозанатлашмаган жамият” сари бораётган эканмиз, бунда интеллектуал бошқарув ва глобал миқёсдаги стандартлаштиришни амалга ошириш керак бўлади. Интернетдан интеллектуал тизимлар ва ахборот тармоқларининг қўшилиши асосида фойдаланишда глобал кооперациянинг географик жиҳатдаги қийинчиликларига дуч келиш мумкин.

Шунга қарамасдан, ҳозирги вақтда интеллектуал тизимлар фақатгина нейрон тармоқлари, фаззилогика, эволюцион алгоритмларга хос бўлган терминлар ёрдамидагина ифодаланади. Интеллектуал тизимларни техник жиҳатдан амалга оширишда ўлчов қурилмалари, ҳисоблаш техникаси, таққослаш қурилмалари ва ижрочи қурилмаларининг турли хил компоненталарини янги авлоддаги тизимни яратиш мақсадида бирлаштирилиш масалалари юзага келади.

1.2. Ахборотларга дастлабки ишлов бериш усуллари ва таниб олиш масалалари

Тимсолларни таниб олиш масалалар синфи “тимсол” тушунчаси билан узвий боғлиқ. “Тимсолларни таниб олиш” жумласи амалий математика ва информатика фанларида алла қачон илмий термин сифатида қабул қилинган. Ушбу жумлани инглиз тилида “Паттерн ресогнитион”, рус тилида эса «Распознавания образов» деб аталади. Мазкур фан йўналишининг вужудга келиши амалиётда техниканинг ўрнини муҳим даражалар кўтариш билан бирга, техник бошқарувни интеллектуаллаштириш гипотезияларини реалликка олиб чиқишига сабаб бўлди. Ўз навбатида “Тимсол” сўзи бир нечта ўхшаш объектлар гуруҳини ўз ичига олишини англатади. Бу терминни соҳа мутахассислари синф, кластер, образ ва ҳ.к., атамалар орқали ҳам ифодалайдилар.

Тимсолларни таниб олишнинг асосий вазифаси – бу объектни бир-бирига мослиги ўрганиш, яъни таниб олишни таъминловчи математик ҳам алгоритмик аппаратни ва ҳал қилувчи қоидаларни топишдан иборат. Иккита объект бир-бирига ўхшаш дейилади, қачонки улар орасида мослик мавжуд бўлса.

Объектларни қиёслаш ёки солиштириш таниб олишнинг асосий масаласи ҳисобланади.

Мазкур масала “Сунъий тафаккур” масаласининг ахборотларни ёки маълумотларни интеллектуал таҳлил масаласига тўғри келади. Маълумотларни интеллектуал таҳлил масаласини ҳозирги вақтда дунёда “Дата Мининг” деб аталмоқда. Бу ҳақида [1-10] адабиётларда кенг маълумотлар келтирилган. Биз ушбу ишда асосан “Тимсолларни таниб олиш”нинг табиий тилни компьютердан фойдаланиб тушуниши, алгебраик ифодаларни символли қайта ишлаши, эксперт тизимларида, ЭҲМ дастурларини синтез қилишда кенг фойдаланишига тўхталиб ўтамыз.

Шуни таъкидлаш керакки, турли масалаларда тимсол тушунчаси турли маъноларда берилади. Бунга сабаб, тимсолни таниб олишда объектларнинг қандай хусусиятларидан фойдаланиш ва бу хусусиятларни таниб олишда қандай математик ёки алгоритмик аппарат қўлланилишига боғлиқ. объектни ифодаловчи хусусиятлар миқдори қанчалик кўп бўлса, тимсол ҳақидаги маълумот шунчалик тўлиқ бўлади. Бироқ, аксарият ҳолларда нусхани тизим аниқлашида ёки таниб олишида объектларни эмас, балки уларнинг хусусиятларидан фойдаланади. Шунинг учун тимсол деганда, биз маълум бир белгилар (аломатлар) тўпламини тушунамыз.

Тимсолларни таниб олиш назариясининг энг муҳим тушунчаларидан бири – бу синф тушунчасидир. Синф – бу умумий хоссалар билан фарқ қилувчи объектларни бирлашмасидир.


Шундай қилиб, тимсолларни таниб олиш масаласи – объектларининг хоссаларини ўрганиш асосида уларни олдиндан берилган синфларга тегишли ёки тегишли эмаслигини аниқлашдан иборат.

Маълумки, бу соҳани амалий тадбикий кўлами кенг, яъни медицина, биология, генетика, геология, робота-техника, шахсни идентификация қилиш каби турли соҳаларда тадбиқ қилинмоқда.

Объектларни таниб олишни компьютер техникасига ўқитилувчи тимсолларни таниб олиш тизимларини асосий масалаларидан бири

тажриба йўли билан объект ҳақида олинган эмпирик маълумотларни ўрганиш ва бу маълумотлар орасидан энг муҳимларини (аломат ёки белгиларни) топиш ҳамда топилган муҳим белгиларга хос бўлган ҳал қилувчи функцияни ҳосил қилиш ва уларни ишончлилигини янги объектларни таниб олишда текшириб кўришдан иборат. Тимсолларни таниб олиш масаласини ўрганиш назарияси усуллари Александров В.В., Браверман М.Е., Вапник В.Н., Василев В.И., Журавлев Ю.И., Камилов М.М. ва ҳ.к., олимларни илмий фаолиятларида ўз аксини топган.

Тимсолларни таниб олиш тизимларни қуйида келтирилган тузилма шаклида тасаввур қилиш мумкин:



Юқорида келтирилган тузилмада:

- Объект ҳақидаги эмприк маълумотлар, тажриба орқали аниқланади;
- Маълумотларни ўрганиш эса, объектларни уларнинг белгиларига асосан ўрганилади, яъни объектлар учун хос бўлган асосий белгиларни топиш;
- Ўқитувчи ёрдамида ўрганиш – объектларнинг қайси синфга тегишлилиги, объектларнинг белгилари сони аввалдан маълум бўлади;
- Ҳал қилувчи функцияни топиш – ўқитувчи ёрдамида ёки ўқитувчисиз ўрганиш жараёнида объектларга хос бўлган асосий белгилар тизимини топиш бўлиб, белгилар тизимига хос бўлган функция ҳал қилувчи функция деб аталади ва у чизикли, чизиксиз ҳамда мантикий кўринишда бўлади.

Объектни таниб олиш – объектни ўрганиш жараёнида ҳосил қилинган ҳал қилувчи функция ёрдамида объектларни олдиндан маълум бўлган мос синфлардан бирига киритишни автоматик равишда амалга оширади. Бу жараён уч қийматли мантиқ асосида амалга оширилади. Масалан: агар $f(\vec{x}^*) > 0$ бўлса, объект a_1 синфга тегишли, акс ҳолда $f(\vec{x}^*) < 0$ бўлса объект a_2 синфга тегишлидир, агарда юқоридаги икки ҳол ҳам мавжуд бўлмаса, у ҳолда таниб олишш бекор қилинади.

Биз юқорида “тимсолларни таниб олиш” тизимларини халқхўжалигидаги амалий аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтдик. Бу шуни кўрсатадики, келтирилган соҳаларда объектларни танишни ўрганиш назарияси усулларининг кенг қўлланилиши қуйидаги хусусиятларга асосланади:

- Ўрганилаётган объектларнинг мураккаблиги;
- Объект ҳақидаги ахборотнинг етарли ёки тўлиқ эмаслиги.

Тимсолларни таниб олишда қуйидаги тойифадаги масалалар ечилади:

1. Қабул қилинган маълумотлар орқали келтирилган объектнинг берилган синфлардан бирига тегишлилигини таниб олиш масаласи (ўқитувчи ёрдамида ўқитиш орқали).
2. Қабул қилинган маълумотларга кўра объектлар тўпламини синфларга ажратиш, яъни автоматик синфлаштириш масаласи (таксонимия, кластеризация, гурухлаштириш-ўқитувчисиз синфларга ажратиш).
3. Таниб олувчи объектнинг қабул қилинган маълумотларини куриш учун белгиларнинг ахборотли тўпламини танлаш масаласи.
4. Таниб олувчи объектнинг қабул қилган белгиларини куриш - таниб олиш учун қулай кўринишда берилганларга келтириш масаласи.
5. Объектни динамик ҳолати билан боғлиқ масалалар.

Барча келтирилган масалалар қуйидаги шаклларда берилганлар орқали ечилади:

1. Нур спектрининг (оптик, инфрақизил, ультратовуш ва х.к.) турли хил воситаларидан ҳар хил усулларда олинган сонли шаклда ифодаланган тасвирлар;
2. Сигналлар (узун сонли кетма-кет);
3. Умумий кўринишдаги символли ахборотларнинг экспертдан олинган, сонли ва бошқа кўринишлари.

Шу вақтгача қуйидаги амалиётда кенг тарқалган алгоритм моделлари келтирилган:

1. Синфларга ажратиш усулини қўллашга асосланган моделлар (Р-модел). Бу моделлар ҳар хил синфларга ажратувчи энг яхши тимсол сифатида танланадиган ўлчамлар (ёки ўлчамлар тўплами) орасидаги синфлар ўлчами масаласининг бош таърифидан фарқланади;
2. Статистик моделлар. Таниб олиш алгоритмининг бу тойифадаги моделлари математик статистика аппаратларини қўллашга асосланган. Улар аниқ ёки синфлар хусусиятини таниб олиши мумкин бўлган ҳолда қўлланилади.
3. Потенциал функциялар усули (П-модел) деб номланишига асосланиб қурилган моделлар. Синфга тегишли объект функцияси сифатида ҳар доим мусбат ва монотон камаювчи функция масофаси бўлган потенциал функция қўлланилади.
4. Баҳоларни ҳисоблаш алгоритми (Г-модел). Бу модел оиласи қисман прецедентликка асосланган бўлиб, объектлар орасидаги яқинликни маълум бир қисм маълумотларни таҳлил қилиш орқали аниқлайди. Яқинлик баҳоси тўпламини бўйича объектнинг бирор-бир синфга тегишлилик функцияси ҳосил бўлади ва синфларга тегишли бўлган объектнинг умумий баҳоси ҳисобланади.
5. Мантиқий алгебра аппаратида асосланган моделлар (Л-модел). Бу моделларда объектнинг белгилар ва синфлари мантиқий ўзгарувчилар сифатида қаралади. Синфнинг белгилар тилида ёзилиши эса Буль муносабатлари шаклида ифодаланади.

Инсон миясининг бу турдаги функциясини техник тизимларда шакллантиришга ўтган асрнинг бошларидан қизиқиш пайдо бўлди ва илмий изланишлар олиб борилмоқда. Айни вақтда бу йўналишдаги фан ўзининг мустақил номига эга бўлиб, у тимсолларни таниб олиш деб юритилади[122]. Ўз номи билан бу йўналиш мураккаб жараёнлардаги вазиятларни акс эттирувчи дастлабки белгилар фазосини шакллантириш ва ҳодисаларни синфларга ажратувчи тизимни куриш қоидалари назариясини яратиш ҳамда амалий тадбиқ қилишдан иборат [1,4,15,21].

Объектлар орасидаги эквивалентлик муносабатини ифодаловчи қарор натижалари, идеал ҳодиса ёки реал объектларнинг белгиси ёки рақами формал амаллар қабул қилиш ва тузиш тимсолларни таниб олиш масаласи деб аталади. Баҳоланаётган объект қайсидир бир синфга бир қийматли семантик тааллуқлилигининг эквивалент муносабатини ифодалайди.

Тимсолларни таниб олиш муаммоси узоқ муддат амалий математикада, кейинроқ эса информатика соҳасидаги мутахассисларни диққатини ўзига жалб этиб келди. Хусусан, ушбу йўналишда, Р.Фишер томонидан, 1920–йилларда яратилган дискриминант таҳлил, 1940 йилларнинг бошларида А.Н.Колмогоров ва А.Я.Хинчинлар томонидан икки тақсимот аралашмасининг бўлиниши масаласининг қўйилиши, статистик ечим назарияси, 50–60 йилларда янги объектлар тўпламини кесишмқайдиган синфларга ажратиш масаласини ечишнинг алгоритмларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилишга бағишланган кўпгина ишларни мисол келтириш мумкин.

1970 йилларга келиб, тимсолларни таниб олишнинг назарий имконияти мустақил илмий йўналиш сифатида тус олди, ривожлантирилди ҳамда аниқлашнинг умумий математик назариясини яратиш имконияти ҳосил бўлди.

Бу борада илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики [90], яратилган илмий ишларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

Назарий;

Амалий.

Назарий гуруҳга киритилган тадқиқот ишларида мавжуд усулларни такомиллаштириш ва янгиларини яратишдан иборат.

Амалий гуруҳга киритилган ишларда эса аниқ амалий масалаларни ечиш учун яратилган усулларни тадбиқ этиш ва тадқиқ қилинишининг таҳлилидан иборат.

Назарий ва амалий ишларнинг боғлиқлиги қуйидагилардан иборат: назарий ишлар одатда амалий масалаларнинг ечим сифатини оширибгина қолмай, балки, яратилган усулнинг тадбиқ этиш имкониятини оширади. Амалий ишлар йўналиши эса, ўз навбатида, назарий тадқиқот ишларини такомиллаштиради. Бу боғлиқлик қуйидаги [7,8,15,21,24,33,45,53,60] ишларни вужудга келтирди.

Тирик организмнинг кўринишини ўзлаштириш андозаси бўлмиш перцептроннинг яратилиши тимсолларни таниб олиш соҳасидаги илк қадам бўлди [38]. Содда перцептронда биринчи даражада янги «тўғрилланган» фазога берилган белгилар фазосини акслантириш содир бўлади. Иккинчи даражада янги фазоси ўқув танланмасининг маълумотига асосан ажратилган гипер текисликда ётувчи тўплам берилиши бўйича ўргатувчи алгоритм тадбиқ қилинган.

Розенблатт ўзининг [57] ишида фараз қиладики, у яратган перцептрон объектларнинг тимсолларни таниб олишни ўргатиши мумкин. Бу ўргатиш муносабат бўйича аниқланган гуруҳ алмаштирилган инвариант ўргатишга эга. Ҳозирги вақтда тимсолларни таниб олиш соҳасида бир неча моделлар қурилган ва ўрганилган. Бу моделлар қуйидаги маълум тимсолларни таниб олиш алгоритмларини тавсифлайди.

Турли хил муаллифлар томонидан ([6,7,23,28,38,39] ва ҳ.к.) ўз ишларида тимсолларни таниб олиш масаласининг турли хил типологик усуллари келтирилган. Айрим муаллифлар параметрик, нопараметрик ва эвристик усулларга ажратишса, бошқалари берилган соҳа йўналиши ва шаклланган мактабнинг ўз усулларидан келиб чиқиб гуруҳларга ажратишади. Масалан [39]да тимсолларни таниб олиш усулларининг типологияси ҳақида қуйидагича умумий маълумот келтирилган:

Статистик усуллар (СУ);

Таксимот тамойилига асосланган усуллар (ТТАУ);

Эталон билан таққослаш усули;

Баҳоларни ҳисоблаш алгоритми (БҲА);

Мантикий усул;

Лингвистик усул.

Кўпчилик тимсолларни таниб олиш усуллари ҳақидаги ишларида, унинг у ёки бу деталлари босқичи ҳақида сўз юритилганлигига дуч келиш мумкин. Шу билан бир қаторда маълум турлар, мавжуд бир хусусиятни эътиборга олмай, балки соҳа бўйича ҳодисаларни акс эттириш усуллари хусусиятини қандайдир тимсолларни таниб олишнинг расмий алгоритми ёрдамида ифодаляди.

Д.А. Поспелов (1990) ҳодисаларни акс эттиришнинг асосан икки турга ажратган [89]:

Интенционал ифодаси–атрибутилар (аломатлар) ўзаро боғлиқлик тузилмаси;

Экстенционал ифодаси–аниқ далиллар (объектлар, мисоллар).

Интенционал ифодалаш боғланиш ва қонуниятга таянади. Бундай белгилаш ташхис масалаларига қўлланилганда шундай хулоса чиқадики, талаб қилинаётган ташхис натижаларига олиб келадиган объектларни белгилари устида бажариладиган амалларнинг аниқланишидир.

Интенционал ифодалаш аломатларнинг қийматлари ёрдамида амалга оширади ва объект ҳақидаги аниқ маълумотлар устида тадқиқот ўтказиш талаб этилмайди.

Ўз навбатида, экстенционал ифодалаш ҳодиса тавсифи билан боғлиқ ва предмет соҳасининг аниқ бир тимсолини белгиляди ва бажарилаётган амалда тўла тизим сингари объект элементлари билан хизмат қилади.

Интенционал ва экстенционал ўзаро ҳодисаларни ифодалашда инсон миясининг ўнг ва чап ярим шарларини ишлаш механизмига асосланган. Ўнг ярим шар атрофдаги бўлаётган ҳодисаларни ўхшашини тўлиқ характерласа, чап ярим шар бу ҳодисаларни аломатлари билан боғлиқ акслантиришлар ва қонуниятни ифодалляди [89].

Юқорида келтирилган ҳодисаларни ифодаловчи икки фундаментал асосда тимсолларни таниб олиш усуллари синфларга ажратамиз:

интенционал тимсолларни таниб олиш усуллари- аломатлар билан амаллар бажаришга асосланган усуллар;

экстенционал тимсолларни таниб олиш усуллари – объект билан амаллар бажаришга асосланган усуллар.

Мазкур икки гуруҳ тимсолларни таниб олиш усуллари (аломатлар билан ва объектлар билан таниб олувчи) асосида ҳодисаларни характерловчи мураккаб фундаментал қонуният ётади.

Бу гуруҳ усуллар воқеликни акс эттиришда бир хил шакллантириш талаб этмаганлиги билан фарқланади.



1.2.1 – тузилма. Тимсолларни таниб олиш усулларни гуруҳларга бўлиниши келтирилди.

Интенционал усуллар гуруҳининг асосий фарқи амаллар элементларининг қуриш сифати, турли хил хусусиятдаги аломатлар ва уларнинг боғланишига тимсолларни таниб олиш алгоритмларини тадбиқ қилишдадир. Бундай элементлар алоҳида қийматга эга ёки аломатлар қийматлари орасидаги интервал, ўртача қиймати, дисперцияси, аломатларни боғланиш матрицаси ва ҳ.к.

Аломатларни хусусияти ва баҳоларининг ўзаро таъсири учун индикаторларнинг роли ҳосил бўлади. Бу усулда объект бир бутун ахборот бирлиги сифатида қаралмқайди.

Тимсолларни таниб олиш усуллариининг интенционал гуруҳи, аниқ бир шартли ўлчов характерида синфларга ажратилади.

Бу турга кирувчи тимсолларни таниб олиш гуруҳларини келтираамиз:

Статистик усул. Тимсолларни таниб олишнинг бу усули классик статистик қарор назариясини ўзида мужассамлаштирган бўлиб, қандайдир қонуниятга асосланиб аломатлар фазосида тақсимланиб, объект устида ўтказилган амаллар кўп ўлчовли тасодифий катталиқ сифатида қаралади [89].

Таксимот тамойилига асосланган усул (ТТАУ) гуруҳ усули ҳал қилувчи функцияга асосланган синфи бўлиб, умумий кўриниши маълум ҳал қилувчи функциялар ва берилган функционал унинг сифати ҳисобланади. Бу функционал бир мунча энг яқинлашувчи ҳал қилувчи функцияларни қидиришнинг ўқитиш кетма-кетлигига асосланган [50]. Умумлашган чизиксиз ва чизикли полином кўринишидаги ҳал қилувчи функцияга ўхшаб ҳосил бўлади. Синфлаштириш хатоликлари билан боғлиқ оддий ҳал қилувчи қонданинг сифат функционалидир.

Мантикий усул. Тимсолларни таниб олиш усули алгебра мантикий аппаратига асосланган бўлиб, аломатларни қиймати бир хиллиги, нафақат алоҳида белгиларда мужассамлашган маълумотни амалга оширишга имконият беради. Балки қайсидир аломатнинг қийматини элементар ҳодиса сифатида қарайди[89].

Тимсолларни таниб олишнинг лингвистик усуллари аниқланаётган объект хоссалари йиғиндиси тавсифи ёрдами билан ҳосил бўладиган тилни махсус грамматикасидан фойдаланади[50]. Турли синф объектлари учун ихтиёрий бўлмаган (бўлинмас) элементлар (қисм объектлар, белгилар) ва улар орасида мумкин бўлган муносабатлар ажратиб олинади. Ушбу ихтиёрий бўлмаган элементлардан объект ҳосил қилиш қондаси грамматика деб аталади. Шундай қилиб, ҳар бир объект ўзаро у ёки бу усул билан «бирлаштирилган» бўлинмас элементлар тўплами билан тимсолланади. Бошқача қилиб айтганда ҳар бир объект қандайдир «тил»нинг матн билан ифодаланади.

Экстенционал усуллар. Бу гуруҳ усуллар ҳар бир ўрганилаётган объект учун фарқ қилувчи мустақил белгиларга эга бўлиб, уларда махсус ажратиш баҳоси мавжуд. Ушбу усулларнинг асосий амаллари объектлар орасидаги ўхшашлик ва фарқни аниқлашдан иборат.

Эталон билан таққослаш. Бу усул экстенционал аниқлашнинг содда усуллари билан бири бўлиб, аниқланаётган синф, компакт геометрик гуруҳлаштиришда аломатлар фазосига акслантириш қабул қилинади. Бундай ҳолда оддий нукта сифатида–синфларни гуруҳлаштиришда геометрик марказга нисбатан ўхшашини (ёки объектни марказига энг яқинини) саралаб олади.

Баҳолашни ҳисоблаш алгоритми (БХА) ишлаш тамойилига кўра, бу алгоритмлар аниқлашда эталон ва объектлар орасидаги яқинликни характерлаши билан устивордир. БХАнинг бошқа усуллардан фарқи,

аломатлар устида олиб бориладиган ишларни ўзгача ташкил этиб, алгоритмлар учун объект аломатлар фазосида бир вақтда ҳар ҳил қисм фазосида бўлиши мумкин. БҲАда аниқланаётган объект ва объектлар ўқув танланмаси орасидаги умумлаштирилган яқинлик тушунчаси киритилади. Умумлашган яқинлик деганда, эталон билан объектни тақослангандаги қисман яқинлик тушунилади.

Бу алгоритмларда объектлар фарқини ва ўхшашликни аниқлаш масаласи параметрик кўринишда шакллантирилади.

Аниқлаш хатолиги параметрлаштиришнинг деярли барчасида сифат мезониси сифатида қаралади:

- алоҳида аломатлар бўйича объектларнинг яқинлигини ҳисоблаш қоидаси;
- аломатлар қисм фазосида объектларнинг яқинлигини ҳисоблаш қоидаси;
- у ёки бу эталон объектнинг муҳимлик даражаси диагностик прецедент сифатида;
- ҳар бир таянч аломатлар тўпламининг улуши қайсидир синф диагностикаси билан аниқланаётган объектнинг ўхшашлигининг натижавий баҳосида аҳамиятлидир.

БҲА параметрларини ташкил этувчи кўрсатилган оғирлик ва бўсаға қиймати сифатида берилади.

Тимсолларни таниб олиш борасида яратилган кўпгина алгоритмлар ичида энг сермахсули «Баҳоларни ҳисоблаш алгоритми» моделидир. Тимсолларни таниб олиш алгоритмларининг бу моделлари асосан қисман ўхшаш тамойилидан ташкил топган. Бу тамойилнинг асосий ғояси қуйидагидан иборат: олдиндан тавсифланган ва синфларга ажратилган объектларни ва аниқланадиган объектларини қисмлараро «яқинлик»лари баҳоланади.

Тимсолларни аниқлашнинг бу модели Ю.И. Журавлев ва М.М. Комилов, [21,39,52] бошчилигидаги олимлар гуруҳи томонидан яратилган ва ривожлантирилган. Г-модели баҳони ҳисоблаш алгоритми номли алгоритмларининг бутун оиласини ифодалайди. Бу синфдаги алгоритмларнинг асосида жуда табиий эвристик тамойил ётади. Бу тамойил ўхшаш ёки қисман ўхшаш тамойил деб аталади. Аниқроғи ўхшаш вазиятларда ўхшашлик бўйича қарорлар қабул қилишдан иборат.

БХАнинг асосий тамойили ўхшаш баҳоларни ҳисоблаш бўлиб, баҳолар аниқланадиган ва намуна объектлар орасидаги «яқинлик»ни белгилар уйғунлиги тизими бўйича характерлайди. Бу уйғунлик берилган белгилар тўпламини қисм тўпламидир. БХА синфи белгилар тўпламидан фойдаланиш ғоясини мантикий ниҳоясига етказди. Белгиларнинг қайси биргаликлари айнан бир вақтда кўпроқ даражада маълумотлироқлиги ҳар доим ҳам аниқ бўлмаганлиги сабабли, БХАда объектларни ўхшашлик даражаси объектларни тавсифлашда кирувчи белгиларни жами мумкин бўлган биргаликда солиштириш жараёнида ҳисобланади. Бундан ташқари, БХА алоҳида белгиларни ва уларни биргаликдаги кўпроқ маълумот бериши фарқини ҳисобга олади ҳамда ўргатиш жадвалига киритилган алоҳида объектларни репрезентативлиги фарқини ўрганишга имкон беради.

Бу синф алгоритмлари тимсолларни таниб олиш масалаларини ҳамма асосий типларини ечишга имкон беради: объектни берилган синфларни биронтасига тегишли эканлигини аниқлайди, таксономия, аниқланадиган объектлар тавсифи учун белгилар тизимини танлаш ва белгилар тизимини маълумотлироғини баҳолаш. БХА услубининг ривожини кейинчалик мантикий ҳал қилувчи қоида асосида қисман ўхшаш алгоритм (АЧП)ни яратилишига олиб келди [4,27,28]. АЧПда белгиларнинг вакиллари тўпламидан иборат таянч қисмтўплам тизимлари ўқув танланмадаги жами объектларни таниб олишнинг тўғрилигини таъминлайди.

Қуйидаги [1] ишда шундай процедуралар таклиф этиладики, унда ўргатадиган танланмани жами мумкин бўлган белгилар комбинацияларини тўлиқ саралашсиз ҳам хатосиз ажратиш мумкин.

АЧПда таянч тўпламни шакллантириш ва тимсолларни таниб олиш босқичларида БХА [21,23,24], «Кора» хилли алгоритм [27] ва мантикий ҳал қилувчи синфдаги алгоритмлар [1,24,26]нинг яхши хусусиятлари бирлаштирилган.

Белгилар фазосининг дастлабки таҳлилига асосланган аниқлаш масаласини ечишнинг бошқа йўналиши В.И. Васильев ва унинг шогирдлари томонидан таклиф этилган [24-32].

Бу йўналиш ихчам фаразидан фойдаланишга асосланган [24].

Агар кандайдир объектлар тўплами тимсол кўринишида ифодаланса, у ҳолда албатта шундай фазо бўладики, бунда ҳар бир тимсолнинг объектига нукталарнинг ихчамлашган тўплами мос келади.

Демак, бу дегани тимсолларни таниб олиш масалаларининг асосини шундай синтезланган фазога ўтказиш керакки, бунда тимсоллар ихчам бўлади. Бундан келиб чиқадики, агар $S_1, \dots, S_m$ тимсоллар маълум

хусусиятларга эга бўлган кандайдир S_γ ($\gamma = \overline{1, \ell}$) объектлар тўплами

орқали, яъни (S_γ, S_j) кўринишда берилса, у ҳолда қуйидаги масала келиб чиқади: шундай хоссалар намоён қилиш керакки, бу хоссалар битта тимсолга қарашли объектларнинг ўзаро фарқини ифодаласин. Бошқача қилиб айтганда, шундай фазони ҳосил қилиш керакки, бунда S_j ($j = \overline{1, m}$) тимсоллар ихчам бўлиши керак.

Қуйидаги ишлар [19,25,26,27]да бундай хоссаларни топиш акс эттирилган. Бу ишларнинг асосий мазмуни қуйидагилардан иборат:

Фараз қилайлик, бинар ва узлуксиз векторлар $\bar{a}_\gamma = (a_{\gamma 1}, \dots, a_{\gamma n})$ ($\gamma = \overline{1, \ell}; i = \overline{1, n}$) L ($|S^m| = L$) қувватли S тўпланда $S_1, \dots, S_m$ ($S_i^* \cap S_k^* = 0, i \neq k$) қисм тўпламлари акс эттирилган. Бу қисм тўпламлар ўргатадиган S тўпландаги берилган тимсоллар деб ҳисобланади

$$S = \bigcup_{j=1}^m S_j.$$

Фараз қилайлик $\{S\}$ тўпландаги S_j^* қисм тўпламлар S_j^* тимсолларга мос келади. S тўпландаги S_j^* қисм тўпламлар $(m-1)$ олган S_j^* ($S_j^* = S \setminus S_j^*$) S ўргатадиган танланмадан

фойдаланган ҳолда, таянч объектларга нисбатан шундай $R(x)$ ҳал
 қилувчи қонидани топиш керакки, кўрсатилган S га қарашли ихтиёрий S_j
 объектни берилган тимсоллардан бирига тегишлилигини аниқлаб
 берадиган бўлсин. Бу ерда таниб олишнинг хатолик эҳтимоли
 $(1-\tau)$ ишончлилика эришишган ҳолда ε дан ошмаслиги керак. Бу
 масалани геометрик қўйилиши шундан иборатки,
 $S_\gamma (\gamma=\overline{1,l})$ объектларнинг $a_{\gamma_1}, \dots, a_{\gamma_n}$ хоссаларининг фазосидаги
 ўқитиш жараёнида шундай гиперсиртни куриб олиш керакки, ўша
 гиперсирт S тўплами S_j^* ва S_j^* қисм тўпламларга ажратадиган бўлсин.
 Бунда берилган ε ва τ таъминланган бўлсин. Бу сиртда аниқланадиган
 $R(x)$ ҳал қилувчи қониданинг тадбиғини, S тўпламга кирмаган янги
 маълумотларни гуруҳларга ажратиш жараёнида тимсолларни аниқлаш
 дейилади.

Тимсолларни таниб олиш масалаларини ечишда аниқлаштирувчи
 тизимни яратиш жараёни қуйидаги асосий босқичлардан иборат.

Бошланғич маълумотни олиш, сақлаш ва қайта ишлаш. Бу босқичда
 бошланғич маълумотлар йиғилади ва саланаяди. Улар ўтказилаётган
 текшириш ишларининг натижаси деб ҳисобланади. Кейин бу маълумотлар
 таҳлил қилинади. Бу босқич шуниси билан муҳимки, келгуси синфларга
 ажратиш сифати у билан боғлиқ, лекин бу босқичда математик усулларни
 кенг тадбиқ қилиш қийин [39]. Бошланғич тимсол муваффақиятли
 танланса аниқлаш масаласи соддалашаяди, акс ҳолда муваффақиятсиз
 танланган бошланғич тавсиф келгусида маълумотларни қайта ишлашда
 мураккабликлар туғдириши ёхуд умуман ечими йўқ бўлиши мумкин.
 Шуниси муҳимки, белги тушунчаси нисбийдир. Тимсолларнинг берилиши
 белгиларни ҳосил қилади, белгиларнинг берилиши эса аксинча
 тимсолларни ҳосил қилади [24]. Тимсол ва белгиларнинг бундай ўзаро
 боғлиқлиги берилган ҳар хил хоссаларни маълум тимсолларнинг
 белгилари деб ҳисоблашга имкон беради. Бу ерда шуни ҳисобга олиш
 керакки, алоҳида олинган хоссалар тимсолларни ажрата олмаслиги

мумкин, лекин улар биргаликда қаралганда тимсолларни ажратиш масаласининг ечимини кафолатлайди.

Белгилар тизимини топиш. Бу босқичнинг масаласи танланмада чексиз белгилар сонидан объектларни талаб қилинган ажратишга қодир бўлган белгилар тўпламини ҳосил қилишдан иборатдир. Кўриниб турибдики, ҳар бир объектни қўйилган масалага боғлиқ равишда ҳар хил белгилар тўплами кўринишида тавсифлаш мумкин. Бундай белгиларнинг сони одатда қуйидаги икки сабабга боғлиқ:

белгиларни олиш ва ўрганишга сарф бўладиган харажатларга;
тадқиқотчининг билим ва тажрибасига боғлиқ.

Булардан келиб чиқадики, баъзида жуда муҳим ҳисобланган белгилар ташлаб кетилиши мумкин. Натижада объектларни тўлиқ тавсифлашда камчиликлар бўлади, акс ҳолда белгиларни кўп миқдорда бўлиши тимсолларни аниқлаш масаласини ечишни мураккаблаштиради. Бу масалани ечишда маълумотлар таҳлилини автоматлаштириш воситаларидан фойдаланмаслик фавқулодда қийинчиликлар туғдиради. Бундай восита ва усуллар «Ҳисоблаш эксперименти» қоидалари ва амалий статистика усуллари асосида маълумотларни таҳлилида муваффақиятли ривожланиб боради [4,19,29]. Маълумотларни ишлашнинг шажаралаш усули кўп ўлчовли фазони тавсифлашда нуқта – объектларини геометрик шаклини ўзаро боғлиқлигини тузилишига кўра таҳлили фойдали ҳисобланади[4,6]. Маълумотларнинг структурали таҳлили, объектларнинг қандай хоссалари тимсолларни ажратишга қодирлиги ва ҳар хил белгилар информативлигини баҳолашга ҳамда тушунишга ёрдам беради.

Белгиларнинг таҳлили. Одатда, белгилар сонининг кўп бўлиши бевосита аниқлаш масаласини амалий жиҳатдан ечишни қийинлаштиради. Шунинг учун тимсолларни таниб олиш жараёнидан олдин берилган белгиларни таҳли қилиш босиқичи қуйидагича:

Синфларга ажратиш жараёнида бу босқични тадбиқи жуда фойдали белгилар тўпламини топишдан иборат. Бу босқични амалга оширишда қуйидаги муҳим ҳолатларга эътибор бериш лозим:

Белгиларни бошланғич тизимини танланганда, у одатда керагидан жуда ҳам ортиқ бўлади. Бундай керагидан ортиқни салашга нисбатан тарафдор ва қарши далиллар келтирса етарлидир;

«Тарафдор» далили шундан иборатки, белгиларнинг сони кўпайиши объектларни тўлиқ тавсифлашга имкон беради. «қарши» далиллар:

белгилар сони ортиши маълумотларда «халақит»нинг ортишига олиб келади, ишни қийинлаштиради ва тадбиқ қилишда қўшимча вақтни сарфлашга олиб келади.

Шундай қилиб, «тарафдор» далили асосан статистик дастлабки шартлардан келиб чиқади. У ҳолда «қарши» далили статистикадан ташқари амалий англашларни назарда тутати. Мавжуд ҳолатларда амалий сабаблар деярли ҳар доим муҳим ҳисобланса, статистика шартлари эса камдан-кам бажарилади. Статистик усулларни тадбиқ қилиш учун [4]да қуйидаги мезонлар кўрсатилган:

Бир хил бошланғич шарт асосида тажрибани бир неча марта такрорлаш мумкин бўлиши керак;

Тасодифий омилларни сони кўп бўлганлиги сабабли, олдиндан тажриба натижасини башорат қилиш мумкин эмас;

Тажрибалар сони ортиши билан натижалар қандайдир қийматларга интилади.

Кўп ҳолатларда биринчи мезон тўлиқ бажарилмаслиги сабабли (тажриба ўтказишда бошланғич шартни бир хиллиги) бу шартлар тўлиқ ёки қисман бажарилмқайди. Шундай қилиб қуйидагича савол туғилади: статистик уйғунлик шартини сақлаш учун қанча объектларни олиш керак ва берилган аниқликда натижани олиш учун қанча белгилар ўлчанади (статистик нуқтаи назардан, предмет нуқтаи назаридан эмас). Бу саволларга жавоб бериш учун белгилар сони n ва ҳар хил ҳажмли ўқув танланма ҳол учун аниқлаш хатосини баҳолаш орқали [21]да келтирилган тадқиқотнинг натижасига эътиборни жалб қилиш мақсадга мувофиқ.

Бу натижаларга асосланиб қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

Хато, белгилар сони ортиши билан тез ўсади ва объектлар сони N ўсиши билан секин камаяди;

Белгилар сонининг ортиши ўқув танланма ҳажмини катта бўлишини талаб этади, бу эса хатоларни кўп бўлишига олиб келади;

Шундай экан, биринчи навбатда белгиларнинг сон қийматини танлашда, предмет мавзу соҳасининг ўзига хослиги ва ечилаётган масаланинг мавжудлигидан келиб чиқиб, статистика доирасидан ташқарида англаш лозим.

Фақат статистик уйғунлик шартларини бажаришда (бу шартларни ҳар доим ҳам текшириш қийин) натижанинг аниқлигини таъминлаш учун белгиларнинг зарурий сонини статистик хулосаларга асосланиб аниқласак

бўлади. Белигилар фазосини самарадорлигини қатъий ва бир қийматли таърифини бериш ҳаддан ташари мураккабдир. Масалан, белгиланган ҳал қилувчи қоида орқали белгилар тизими солиштирилганда, қайсики белгилар тизими энг самарадор ҳисобланади, агар шу тизим учун аниқлашнинг сифати ва ишончлиги яхшироқ бўлса. Ҳозирги вақтда ҳар хил ёндашишлар асосида самарадор белгилар тизимини топиш учун бир анча алгоритмлар тўплами яратилган [1,24-32,40,56,60,61].

Ҳал қилувчи қоидани қуриш. Одатда ҳал қилувчи қоидани қуриш қуйидаги детерминлашган ва статистик усулдан иборат бўлади.

Детерминлашган усул, кесишмайдиган (ёки қисман кесишадиган) синфлар билан боғлиқ масалалар учун қарор қабул қилиш усули деб ҳисобланади.

Статистик усул, ҳар қандай синфларга қандайдир эҳтимоллик билан (олдиндан номаълум бўлган) қарашли бўлган ҳар бир объект учун ҳал қилувчи қоидани қуришдан иборат.

Умумий кўринишда ҳал қилувчи қоидани қуриш учун математик моделни танлаш, ечиладиган масалани танланган модел асосида ифодалаш, ифодаланган масалага мувофиқ алгоритм яратишдан иборат.

Таниб олишнинг юқори сифатлигини таъминлаш учун объектларнинг хоссаларини билиш зарур. Бунда ўргатадиган танлангани шундай қурамизки, унда объектларнинг хоссаси тўлиғича акс этган бўлиши керак. Шундай қилиб, тимсолларни таниб олиш масалаларини ечишда яратилган тизим нафақат талаб этиладиган маълум сифатга эга бўлиши зарур, балки бу сифатга ишончли интилиши ҳам керак.

II. Чизиқли ажратувчи функция қандай вазиятларда вужудга келиши ва ҳал қилувчи қоидани шакллантириш.

Ушбу бобда битирув малакавий ишнинг мазмунини ёритувчи ахборотлар тўплами келтирилган бўлиб, бунда БМИнинг мақсади, муаммони шаклланиш жараёни, объектга мос математик ифодани шаклланиши, математик ифодага мос алгоритмни ҳисоблаш механизлари батафсил баён қилинган. Ўзнавбатида чизиқли ажратувчи функция қандай вазиятларда вужудга келиш ҳам унга нисбатан ҳал қилувчи қоидани шакллантиришга алоҳида тўхтаб ўтилди.

2.1. Битирув малакавий ишнинг мақсади

